

«KAPITAL SUG‘URTA»
очиқ акциядорлик жамияти
Акциядорларининг 2014 йил 6 июндаги йиллик
умумий йиғилиши томонидан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



Йиғилиш раиси:

Отахонов Ф.Х.

2014 йил “6” июнь

**«Kapital Sug’urta» акциядорлик жамиятининг
Тафтиш комиссияси тұғрисида»ги
Н И З О М**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «Kapital Sug’urta» акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси (кейинги үринларда Тафтиш комиссияси деб юритилади) фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қарорлар қабул қилиш тартиботини белгилайди.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) ҳамда «Kapital Sug’urta» акциядорлик жамияти (кейинги үринларда жамият деб юритилади) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилған.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИҢ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3. Тафтиш комиссияси жамиятнинг назорат органдарының ҳисобланиб, Жамият, унинг бўлинмалари ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия-хўжалик назорати функцияларини амалга оширади.

4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тұғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тұғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек жамият Устави, мазкур Низом, шунингдек Тафтиш комиссияси ва унинг аъзоси фаолиятига тааллукли жамиятнинг бошқа локал ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИҢ ТАРКИБИ

5. Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзосига овоз бериш ҳар бир номзод бўйича алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибиға киритиш

тўғрисидаги қарор, Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6. Тафтиш комиссияси таркибига уч киши сайланади. Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

7. Айни бир шахс мазкур жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

8. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаши мумкин эмас.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ФУНКЦИЯЛАРИ

9. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

10. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг Тафтиш комиссияси хulosса тузади, бу хulosада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳисоботни кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Мазкур бандда кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эштилади.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИННИГ ХУҚУҚЛАРИ

11. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қўйидаги хуқуқларга эга:

жамиятнинг ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслардан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма талаби олинганидан кейин уч кун мобайнида тақдим этилади;

Кузатув кенгashi Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган

ҳолларда қонун ҳужжатларида ва жамият Уставида белгиланган тартибда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

12. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув асосига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчилаб ўрганишга мажбурдирлар. Нотўғри хulosалар учун Тафтиш комиссияси аъзолари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

13. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳакда у Кузатув кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда Акциядорлар умумий йигилиши ўзининг энг яқин вактда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

14. Тафтиш комиссияси куйидагиларга мажбур:

жамият Акциядорлари умумий йигилиши, Кузатув кенгashi, ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини жамият бошқаруви органлари мажлисларидағи ёзма хulosса, ҳисботлар, хабарномалар шаклида ўз вақтида етказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

жамият манфаатларига ҳақиқатда хавф таҳди迪 пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган сустеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақиришни талаб қилиш.

15. Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорлар умумий йигилишида иштирок этишга ва унинг иштирокчилари саволларига жавоб беришга мажбур.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНинг МАЖЛИСИ

16. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг кечиктириб бўлмайдиган қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда Тафтиш комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

17. Тафтиш комиссиясининг мажлиси агар унда Тафтиш комиссиянинг камида 2 (икки) та аъзоси иштирок этса ваколатли деб ҳисобланади.

18. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хulosалари мажлисда қатнашаётганларнинг одий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаган холларда мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни жамият ижроия органи, жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

19. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди.

Тафтиш комиссияси раиси:

мажлис чақиради ва ўтказади;

Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади;

жамият ижроия органи, Кузатув кенгаши мажлисларида, Акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг номидан вакил бўлади;

Тафтиш комиссияси номидан чиқадиган хужжатларга имзо чекади.

Тафтиш комиссияси котиби:

Тафтиш комиссиясининг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади;

Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли манзилларга етказади;


Тафтиш комиссия номидан чиқадиган хужжатларга имзо чекади.

Келишишган:

Бош директор

Халимтаев Л.Ш.

Бош директорнинг биринчи
ўринбосари

Камбаров Ж.Р.

Бош директор ўринбосари

Халилов С.С.

Бош бухгалтер

Абдуразаков Р.З

Юрисконсульт

Джураева Ф.Т.